

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 5 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [iltiy@inbox.uz](mailto:iltiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



30	<b>Artishok (<i>cynara scolymus l.</i>) ning ontogenez davridagi marfo-biologik, kimyoviy ko‘rsatgichlariga biopreparatlarning ta’siri</b> Sobirova M. B .....	152
31	<b>Сабзавот-полиз агроценозлари ризофагларининг экологик-фаунистик тавсифи</b> Зокиров И. И, Юсупова Ш.Х, Ёқубов А.А, Зокирова Г.М .....	161
32	<b>Редкоземельные элементы в луговых сазовых почвах</b> Юлдашев Г, Рахимов А .....	167
33	<b>Yurak kasalliklarida alkogolning salbiy ta’siri</b> Po‘latova Z.A, G‘anijonov H. I .....	172

**05.00.00**  
**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**  
**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**TECHNICAL SCIENCES**

34	<b>O‘simlik moylarini tozalashda mahalliy adsorbentlardan foydalanish texnologiyasi</b> Qanoatov X.M, Yunusov A. M, Aliyeva G. S, Abdivahobov S.S .....	176
35	<b>Тақсимланган тескари алоқали лазер диодларнинг ишончлилигини баҳолаш</b> Исаев Р.И, Тургунов Б.А, Орифжонова Д.В .....	181

**07.00.00**  
**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**  
**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**TECHNICAL SCIENCES**

36	<b>Зиёрат одоби масалалари бўйича топографик манба</b> Жўраева Н. О .....	186
37	<b>To the pages of the history of ancient Marakanda</b> Tishabaeva L .....	193

**08.00.00**  
**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**  
**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**ECONOMIC SCIENCES**

38	<b>Зарубежный опыт налогового стимулирования инновационной деятельности</b> Бахриддинов Н.З .....	196
----	--	-----

**09.00.00**  
**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ**  
**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

39	<b>Оилаларнинг тарбия жабҳаларидаги умумий ва хусусий тамойиллари</b> Мадумаров Т.Т, Ғулумжонов О.Р .....	199
40	<b>Насириддин Тусийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари</b> Абдуллаева Ф.Ш .....	205
41	<b>Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда иштирок этувчи орган ва муассасалар тизими</b>	



07.00.00

**ТАРИХ ФАНЛАРИ  
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ  
HISTORICAL SCIENCES**

**ЗИЁРАТ ОДОБИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТОПОГРАФИК МАНБА**

Жўраева Нафиса Олимовна, катта ўқитувчи  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Мақолада Аҳмад ибн Маҳмуднинг "Тарихи Муллозода" асарида зиёрат одоби масалалари таҳлил қилинган. Қабристонни эркалар ва аёллар томонидан зиёрат қилиниши, қабрни зиёрат қилиш одоби ҳақида диний, фалсафий, тарихий мушоҳада, мулоҳаза ва далиллар асосида инсоний бурч масаласига бориб тақалиши батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар:** қадамжо, муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ, зиёрат одоби, тасаввуф олами, мазор, қабристон, зиёрат объекти.

**ТОПОГРАФИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК ПО ВОПРОСАМ ПАЛОМНИЧЕСКОГО  
ЭТИКЕТА**

Жураева Нафиса Олимовна, старший преподаватель  
Бухарский государственный университет

**Аннотация:** В статье анализируются вопросы паломнического этикета в труде Ахмада ибн Махмуда "История муллозоды". Подробно описаны посещение кладбища мужчинами и женщинами, религиозное, философское, историческое наблюдение об обычае посещения могилы, вопрос о человеческом долге на основе рассуждений и доказательств.

**Ключевые слова:** степджо, святой степджо, паломничество, паломнический этикет, мистицизм, погост, кладбище, объект посещения.

**TOPOGRAPHIC SOURCE ON PILGRIMAGE ETIQUETTE ISSUES**

Juraeva Nafisa Olimovna, senior teacher  
Bukhara State University

**Abstract:** In the following article the issues of the ethics of pilgrimage in the book *Tarikhi Mullozada of Ahmad ibn Makhmood* are analysed. Based on the religious, philosophical reconsideration, discussion and facts the pilgrimage of cemeteries by the men and women being linked to the issue of the responsibility of the human is revealed.

**Key words:** shrine, holy site, pilgrimage site, ethics of pilgrimage, world of tasawwuf, cemetery, graveyard, site of pilgrimage

Қадамжоларни ўрганишда ёзма манбалар, қўлёзма, нодир асарлар соҳани такомиллаштириш ва зиёрат маданиятини ошириш билан биргаликда мазкур зиёрат объектини қиммати ва шахсиятини танитиш, мазкур қадамжода дафн этилган авлиё ва тасаввуф оламининг пирларининг фаолиятини ислом оламидаги тарихий хизматини ойдинлаштиришга хизмат қилади.





“Китоби Муллозода” – асари мана шундай зиёратгоҳлар ҳақидаги номаълум тарихий ҳақиқатларни очишга хизмат қиладиган ноёб манбалардан ҳисобланади. Бу асар “Тарихи Муллозода”, “Рисола дар фазоиلى Бухоро”, “Рисолаи Муллозода”, “Китоби маноқибӣ мазороти Бухороӣ шароф”, “Китоби Муллозода Бухори”, Тазкираи шуйхуи Бухоро”, “Тарихи бузургони Бухоро”, “Зикри тоифаи аҳли Бухоро ва навоҳиҳа”, “Тарихи мазорот”, “Муллозода хошки бар тажаввали наҳв” каби номлар билан машҳур.[1,7]

“Китоби Муллозода” нинг аҳамияти унинг тарихий ёки тарихий-географик асарларда учрамайдиган баъзи тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Китобда Бухоро ва унинг атрофида дафн этилган улў олимлар ва тасаввуф аҳлларининг номлари, туғилган ва вафот қилган йиллари, устозлари, шогирдлари, улар ёзган асарлари қисқа ва дўнда қилиб ифодаланган. Асар «маълумотнома» руҳида ёзилган деб айтиш мумкин.

Бухоро шаҳрида муқаддас қадамжоларнинг кўплигига ҳамда уларнинг кўпчилиги ўрта асрлар даврига тегишлилигига қараганда зиёратгоҳларга (мазорларга) сиғиниш жуда ривожланган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳурматли одамларнинг дафн этиладиган жойи билан боғлиқ дейиш мумкин. Академик В.В.Бартольд ёзганидек, авлиёларга сиғиниш “имон ва ҳақиқат ўртасидаги тобора кучайиб бораётган ихтилоф таъсири остида” ривожланди [2,389] Бошқа томондан эса, руҳонийлар маънавий ҳаётнинг барча кўринишларини, шу жумладан, халқ урф-одатларини (байрамлар, зиёратлар ва ҳоказолар) назоратга олишга интилдилар. “Китоби Муллозода” айнан мана шу даврда авж олган зиддиятларга барҳам берган асар деб таъкидлаш мумкин. Айнан асарда зиёрат маданиятининг тарихий-диний, ислом ҳуқуқшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши ҳамда тарих илми ва Ислом оламидаги машҳур асарлар Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр”, Ато Малик ибн Хожа Баҳо ад-дин Муҳаммад ал-Жувайний “Тарихи Жаҳонгушой”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Китоби аҳбори Бухоро”, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Комил ал-Бухорий ал-Варроқнинг “Тарихи Бухоро”, Имом Муҳий ад-дин Нававийнинг “Таҳзиб ал-асмоъ ва –л-луғот”, Бурайданинг “Жомий ал-усул”, ҳадисшунослар Муслим, Абу Довуд, ан-Нисойларнинг ҳар бирларининг “Китоб ас-сунан” каби кўплаб асарлар асосида ҳар томонлама асослаб берилиши баъзи бир ёқлама фикрларга зарба бериб зиёрат маданиятидаги баъзи ҳаракатларни бажаришга доир қарама-қарши ғояларни бартараф қилиб, асарда ёритилган зиёрат одобига оид мушоҳада, дунёқараш ва маънавиятнинг кенг ёйилишига сабаб бўлган. Натижада асар зиёратчилар учун қўлланма вазифасини ўтагани, эҳтимол. Муаллиф ҳар бир зиёратгоҳ ҳақида батафсил маълумотлар бериш билан бирга зиёратгоҳнинг жойлашган жойини (квартали), бу зиёратгоҳ атрофидаги топографик объектларни, манзил, масалан, шаҳарнинг дарвозалари, сув ҳавзаларига яқинлиги, бино, йўналиш ва улар билан боғлиқ тарихий воқеа ва ҳодисаларни баён қилиши айнан шу вазифани ўташ учун хизмат қилгани шубҳасиз ва бу асар амалий аҳамиятини янада оширган.

Асар кириш ва тўртта бобдан иборат: 1-боб- Зиёратнинг эркаклар ва аёлларга рухсат берилиши тўғрисида, 2-боб- Зиёрат қоидалари тўғрисида, 3-боб- Мақбаралар ва мақбараларнинг тавсифи, 4-боб- Бухоро шаҳри ва шаҳар атрофидаги мақбара ва мазорлар тавсифига бағишланган [3,390]. Асар бобларининг номланишидан маълумки, асар зиёрат қилиш маданияти, тартиб-қоидалари, зиёрат қилишнинг йўналиш ва



маршрутлари, зиёрат географияси тавсифига бағишланган. Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан муаллиф асарни ёзишда кўплаб манбаларга таянганлиги таъкидланилади. Бу асарлар қуйидагилар:

1. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Хорисий ал-Калободий Сафидмунийнингш (ваф 340/951й.) “Китоби кашф” асари.

2. Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг (ваф.348/959й.) “Тарихи Бухоро” асари

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Ғунжор ал-Варроқнинг (ваф.412/1021й.) “Тарихи Бухоро” асари

4. Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (ваф.505/1111й.) “Эҳё ал-улум ад-дин” асари.

5. Абул-Қосим аз-Замахшарийнинг (ваф.1144й.) “Рабиъ ул аброр” асари.

6. Абу Саъд Абу-л-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъонийнинг (ваф.562/1161й.) “Китоб ул-ансоб” асари

7. Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Бухорий-Имомзоданинг (ваф.573/1177 й.) “Шариат ул-ислом ила дор и-с-салом” асари.

8. Алоуд-дин Ато Малик Жувайнийнинг (ваф.681/1283 й.) “Тарихи жаҳонкушой” асари.

9. Муҳйи ад-дин Яҳё ибн Шариф ан-Навовийнинг (ваф.696/1277й.) “Китоби таҳзиб ал-асмо ва-л-луғот” асари [1,16]

“Тарихи Муллозода” асари муаллифи фойдаланган манбаларни маъно-мазмун ва мавзуга қараб шартли равишда учта катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга тарихий, тарихий-топографик, тарихий-географик, иккинчи гуруҳга тарихий-биографик, тарихий-гнесологик, филологик мазмунидаги манбаларни, учинчи гуруҳга эса тасаввуфий, диний-фалсафий, шариат илми мазмунидаги адабиётларни киритиш мумкин. Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, маълумотларни мухтасар, лўнда ва оммабоп тарзда баён қилган. Бу асар Бухоро ва унинг атрофида яшаган олимлар, давлат аъёнлари, тасаввуф аҳллари-мулло, шайх, авлиё, пир, муршидлар яшаган давр тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар баъзи бир асарларнинг ёзилишига таъсир ўтказганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, «Тухфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга тухфа») китоби муаллифи бухоролик Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳасаний ал-Бухорий ҳам ўз асарини ёзишда Муъин ул-Фуқаронинг «Тарихи Муллозода» асаридан таъсирланганлигини ёзиб қолдирган.

Айрим тарихий шахслар, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеалар академик В.В.Бартольднинг ҳам эътиборини ўзига жалб қилди ва у ўзининг илмий асарларида Аҳмад ибн Маҳмуд китобидан фойдаланган. Айниқса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Муллозоданинг фаолиятига Ўрта Осиё ва унинг йирик шаҳарларидан бири Бухоро тарихига жиддий манба сифатида эътибор қаратган таниқли олим В.В. Бартольд ушбу асарда бошқалар айтиб ўтмаган маълумотларни аниқлай олган. У «Тарихи Муллозода» асарининг баъзи қисмларидан ўзининг “Мўғуллар истилоси даврида Туркистон” номли асарида фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Қорахонийлар сулоласи тарихига бағишланган қисмда В.В. Бартольд ушбу сулола вакилларида, хусусан Шамс ал-Мулк Наср ибн Иброҳимнинг (460/1068 - 472/1080) шаҳар ободонлаштиришга оид фаолиятини тасвирлашда мазкур асар маълумотларига таянган. Шамс ул-Мулк Наср томонидан Зарафшон воҳасида бино этилган Работи Маликнинг,



худди шундай меъморий ёдгорликнинг унинг ташаббуси билан Самарқанд ва Хўжандда бунёд этилиши, Бухоро Намозгоҳи тарафидаги мавжуд қабри, Оқ кўталдаги машҳур мозори, шунингдек Арслонхоннинг туғилган жойи, фаолияти, унинг 1127 йилда Минораи Калонни барпо этиши хусусидаги маълумотлар юқоридаги асардан олинган. Булардан ташқари, “Туркистон мўғул босқини даврида” асарида Бухоро садрлари, уларнинг келиб чиқиши, XII асрда қорахитойлар ва Самарқанд хонлари билан курашлари тарихи, кубравия тасаввуф тариқати асосчиси шайх Нажмиддин Кубро ҳақидаги маълумотлар «Тарихи Муллозода» га асосланганлигини кўришимиз мумкин. Асардан И. И. Умняков, В. Л. Вяткин, В. А. Шишкин каби олимлар ҳам фойдаланишган. И. И. Умняков "Работи Малик" асарида «Тарихи Муллозода» асарида "Работи Малик" нинг қурилиши санасини ойдинлаштириш учун фойдаланган [4,17].

В.Л.Вяткин «Тарихи Муллозода» даги баъзи маълумотлардан фойдаланган. Асардан В. А. Шишкин Бухоро шаҳри Намозгоҳ масжиди қурилиши билан боғлиқ маълумотларни ёритишда фойдаланган [4,18].

Муаллиф Бухоронинг муқаддас шаҳар эканлигини “ Рабиъ ул-Аброр”, “Тарих-и жаҳонгушой”, “ Китоб-и ахбор-и Бухоро”, “ Тарихи Бухоро”, “Таҳзиб ал-асмоъ ва-л-луғот” манбаларида келтирилган ҳадис ва ривоятлар билан асослайди. Шунингдек, Бухоронинг Ҳадисда келтирилган номларининг маъноси ва табаррук заминлиги ҳақидаги фикрларни “ Рабиъ ул-Аброр” ва “Тарих-и жаҳонгушой” даги Бухорога берилган таърифлар билан изоҳлайди. Муъин ал-Фуқаро “Китоби ахбори Бухоро” нинг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг Ҳасан Басрийдан келтирилган Айюб Пайгамбарнинг Бухорога келганлиги ҳақидаги ривоятни келтириб, Айюб Пайгамбарнинг Бухорога келганлиги ва Бухоро аҳли у кишини меҳмон сифатида яхши кутиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни беради. Шунингдек, муаллиф худди шундай ривоят Айюб Пайгамбарнинг Бухорога келганлиги ҳақидаги воқеани Абу Абдуллоҳ Ваҳб ибн Муннабиҳ ал-Йаманий ас-Санъонийда келтирилган вариантини келтиради. Имом муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Комил ал-Бухорий ал-Вароқнинг Айюб Пайгамбарнинг муборак қабри Бухорода эканлиги ҳақидаги фикрини келтирадилар. Сўнгра барча муаллифларнинг фикрларини умумлаштириб Айюб пайгамбарнинг қабрлари Бухорода эмаслиги ҳақидаги ўз хулосасини беради. Муаллиф яқуний фикрига асос қилиб Имом Муҳйи ад-дин Нававийнинг “ Таҳзиб ал-асмоъ ва-л-луғот” китобидаги: Айюб алайҳи-с-саломнинг Хаврон вилоятида яшаганлиги ва унинг қабри ўша ердаги Нава қишлоғи яқинида машҳурлиги, у ерда мақбара ва масжид борлиги, қишлоқ унинг фойдасиги вақф қилинганлиги, у ерда зилол чашма борлиги ҳақидаги далиллар билан асослайди [1,21]. Ҳақиқатдан ҳам Айюб Пайгамбар ҳақидаги қадамжолар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ҳам мавжуд бўлиб, мазкур зиёратгоҳлар рамзий қадамжолар ҳисобланади. Бухоро шаҳри марказий бозори яқинида жойлашган Чашмайи Айюб зиёратгоҳи муқаддас қадамжо ҳисобланади. Негаки, тарихий манбалардан аёнки Айюб пайгамбар ҳеч қачон Бухоро шаҳрига ташриф буюрмаган.

Мазкур асарида илоҳиётчилар (уламо) ва ҳуқуқшунослар (фақиҳ), сиёсий арбоблар, жумладан, Сомонийлар сулоласи ва маҳаллий сулола ҳукмдорлари-Бухоро садри Али Бурхон ва бошқа машҳур тарихий шахслар дафн этилган жойлар тавсифи келтирилган.

«Тарихи Муллозода» асари зиёрат масалаларига зиёратчи учун муҳим саналган таомилларга аниқлик киритилганлиги билан ҳам фойдали. Асарда қабристонни эркак ва



аёллар томонидан зиёрат қилиш мумкинлиги, қабрни зиёрат этиш одоби, зиёрат одоби масалалари ҳақидаги қисмларни учратиш мумкин.

Асарда қабристонни эркак ва аёллар томонидан зиёрат қилиш мумкинлиги ҳақида сўз кетганда “ Жомий ал-усул” асаридан Пайғамбаримизнинг саҳобалари Бурайда номидан Пайғамбаримизнинг “ Мен Раббимдан онамнинг ( гуноҳларини кечириб учун ) учун мағфират тиладим ва у эса бунинг учун менга изн бермади, ва мен ундан унинг қабрини зиёрат қилиш учун изн сўрадим, ва у менга ижозат берди” деган фикрларини келтириб фарзандлар ўз оналарининг қабрларини зиёрат қилишлари мумкинлигини айтади. Шунингдек, худди шундай ривоят Абу Довуд ва ан-Нисоийда ҳам келтирилганлигини далил сифатида келтиради ва Хазиб ал-Фахрийа номи билан танилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб аш-Шофийий “Мишкот ал-масобиҳ” асаридан ота-оналарнинг қабрларини ҳар жумъа куни зиёрат қилиш афзалликлари ҳақидаги фикрлар келтирилади. Имомзода номи билан машҳур Имоми Воиз Рукн ал-Ислом Муҳаммад ибн Аби Бакр Ҳанафий Бухорийнинг “Шариат ул-ислом” асаридан Пайғамбаримиз томонларидан айтилган: Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни манъ этдим, лекин сизлар уларни зиёрат қилинглр, бироқ у ерда ёмон сўзларни айтмангиз-деган ҳадислари келтирилади. Ал-Зоҳидийнинг “Шарҳ ал-Қудурий” сидан Абу Ҳанифа томонидан айтилган Пайғамбаримизнинг ўлганлар ҳаққига дуо қилиш ва охиратни эшлаш учун зиёратга боришда ажр йўқлиги ҳақидаги сўзлари келтирилади. Бу ҳадисдан маълум бўлишича қабрларни зиёрат қилишда аёлларга ҳам эркаклар каби рухсат берилганлиги айтилмоқда. Шу ўринда Абу Ҳурайра Пайғамбаримиз номларидан айтган яна бир шу ҳадисга зид ҳадис келтирилади.

Пайғамбаримиз томонидан қабрларга тош билан белги қўйишга рухсат берилганлиги “Жомий ул-усул” да келтирилган ҳадис билан изоҳланилади, Ал-Зоҳидийнинг “Шарҳ ал-Қудурий” асарида келтирилган қабр устига қадам босиш, ўтириш, ухлаш, турли ҳожатни чиқариш, ёки қабр устида ва унга қараб намоз ўқиш манъ этилиши айтилади.

Қабрни зиёрат этиш одоби ҳақида қабристонни зиёрат қилишда ўқиладиган дуолар ҳақида, қабр устига оёқ кийимида қадам қўйиш мумкин эмаслиги, қабрларнинг зиёрати суннат эканлиги, жумъа кунининг охирида, шанба, душанба, пайшанба кунлари қуёш чиқмасдан олдин зиёратга борилса мақсадга мувофиқ эканлиги, ота-оналарни зиёрат қилиш ҳаж савобини бериши, ўтганларни зиёрат қилишда қандай ниятлар билан бориш кераклиги ҳақидаги маълумотларни беради.

Асарнинг Зиёрат одоби қисмида қабр зиёрати вақтида қабрга қараб орқа қилиб туриш мумкинми йўқми, қабрга қўл текизиш ва ўпиш мумкин эмаслиги ҳақида муҳокама кетади. Муаллиф бу саволга Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғазоллийнинг “Эҳё ал-улум” асаридаги жавоб орқали фикрини асослайди. Шунингдек, мақбарага киришда ўқиладиган дуолар ва сўнгра қайси қуръон оятларини тиловат қилиш кетма-кетлиги келтирилади.

Асарда Бухоро зиёратгоҳлари икки қисмга бўлиб тавсифланган:

Биринчи қисм: айнан шаҳар ичида ва унинг атрофида, бир-биридан ярим фарсах масофадаги (мозорларда) дафн этилган дин улуғлари қабрларининг зикри.





Иккинчи қисм: шаҳар атрофи ва ноҳиялари чеккасида жойлашган азизлар мазорлари, биринчи қисмда зикр қилинган жойлар ҳудудидан ташқарида жойлашганлар зикри.

Биринчи қисм зиёратгоҳларга Тали Хожа, Саффорий имомлари, Чашмаи Айюб, Салотини Сомонийа, Ситожийа, Ҳавзи Миқдом, Сабзамун мазорлари ва Хожа Порадўз мақбараси тавсифлари келтирилади.

Иккинчи қисм зиёратгоҳларга Фатҳобод мазорлари, Тали Судур мақбараси, Оли Бурҳон насаб силсилалари зикри, Тали Буғробек мақбаралари, Қузоти Сабъа мазори, Ақилий имомлари мазори, Аймаи Шористоний қабрлари ҳақидаги тавсифлар, таъриф ва маълумотларни келтиради.

Шу муносабат билан О.А.Сухарева ҳам “Тарихи Муллозода” асари муаллифи мазорларни шаҳарнинг ўзида ва унинг атрофида жойлашган икки қисмга бўлиб тавсифлашни айтганлигини, аммо асарда муаллиф уни тегишли бўлимларга ажратмаганлиги ва мақсадга мувофиқ тартибга риоя қилмаганлигини таъкидлайди [5,48]. Дарҳақиқат, муаллиф мазорларни икки қисмга бўлиб тавсифлашни айтган, лекин китобда шаҳар ичидаги ва ундан ярим фарсах узоқдаги мазорларни кўрсатишда маълум бир тартибга риоя қилмагандай кўринади. Масалан, китобнинг биринчи қисмига шаҳар ичидаги, яъни қалъа ичидаги мазорлар киритилиши керак эди, аммо муаллиф Хўжа порадўз мақбараси ва Сомоний султонлар мақбараси каби мазорларни шу туркумга киритиб хато қилгандай кўринади. “Тарихи Муллозода” асари тадқиқотчиси Р.Л.Гафурованинг таъкидлашича, муаллиф хато қилмаганлиги, аксинча мазорларни мақсадга мувофиқ қисмларга ажратгани, унга кўра, муаллиф аввал шаҳарнинг ўзида ва унга туташ қисмларида жойлашган мазорларни, сўнгра шаҳар девори яқинида жойлашган шаҳарга бириктирилган туманларнинг янада чекка қисмларини таърифлаганлигини ёзади [4,16]. Шунингдек, Р.Л.Гафурова режадан оғиш мазорларни тавсифини беришда кетма-кетлик ўрни алмашганлигини, аввал шаҳар деворидан ташқаридаги қадамжолар (биринчи қисм), сўнгра Муллозода яшаган йилларда шаҳарнинг Марказий ёки асосий қисмида бўлган муқаддас жойлар баён қилинганлигини қайд қилади [4,16]. Маълумки, асарнинг бир неча маротаба хаттотлар томонидан кўчирилганлиги айtilди. Бизнингча, асар кўчирилганда кетма-кетлик ва тартиб бузилган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, асарда қабристонни эркаклар ва аёллар томонидан зиёрат қилиниши, қабрни зиёрат қилиш одоби, олим, уламо, шайх, ҳазрат каби улуғ кишиларнинг қабрини зиёрат қилиш жоизлиги ва зарурат эканлиги диний, фалсафий, тарихий мушоҳада, мулоҳаза ва далиллар асосида инсоний бурч масаласига бориб тақалиши батафсил ёритилган.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муин ал-фуқаро. Тарихи Муллозода / Сўз боши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Б.Аминов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. 1. М., 1963.
3. Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ. Л., 1962 Т. 1:стр.390. Электронная библиотека Музея антропологии и



- этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН  
[http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03\\_05/978-5-88431-239-5/](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_05/978-5-88431-239-5/) © МАЭ РАН
4. Гафурова Р. Л. Китоби Мулла-заде. (Ответственный редактор Б.А.Ахмедов). – Ташкент: Фан, 1992.
  5. О. А. Сухарева К истории городов Бухарского ханства, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1958,стр.48
  6. Jurayeva Nafisa Olimovna. The territorial changes in the topography of the cemeteries of Bukhara // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal. Volume 6 Issue 8. P.512-515. Journal DOI: 10.36713/epra2013
  7. JN Olimovna. The topography of the cemeteries of Pre- Islamic city of Bukhara. International Journal of Applied Research 6 (5), 368-371, 2020.
  8. JN Olimovna. Buxoro shahri tarixiy qiyofasining shakllanishida mozorlarning oʻrni // BuxDU ilmiy axborotnomasi, 2019.1 (1), 239-243.
  9. JN Olimovna. Rol svyatykh mest v izuchenii topografii Buxary // Islom tafakkuri (maxsus son), 66-68 bet, 2020.
  10. JN Olimovna. Muqaddas ziyoratgohlar Buxoro shahri topografiyasining tarkibi sifatida // Imom Buxoriy saboqlari 1 (1), 40-41, 2020.
  11. Jurayeva Nafisa Olimovna. Features of the Historical Topography of the City of Bukhara // TEST Engineering Management. 81, 1356 – 1360. Vol. 81: Nov/Dec 19.
  12. JN Olimovna. Muqaddas ziyoratgohlar Buxoro shahri topografiyasining tarkibi cifatida // WORLD SOCIAL SCIENCE- Scientific - practical journal, 44-46. 2019/2.
  13. JN Olimovna. Buxoro shahri tarixiy topografiyasining shakllanishida muqaddas ziyoratgohlarning oʻrni // Xorazm Maʼmun Akademiyasi Axborotnomasi 3 (3), 41-44. 2019/3.
  14. JN Olimovna. РОЛЬ СВЯТЫХ МЕСТ В ИЗУЧЕНИИ ТОПОГРАФИИ БУХАРЫ // "Ekonomika i sotsium" 5 (60), 595-599. 2019/5.

## TO THE PAGES OF THE HISTORY OF ANCIENT MARAKANDA

Tishabaeva Lola

Fergana Polytechnic Institute

Senior Lecturer, Department of History of Uzbekistan

Tel.998973352050, e-mail lolaxon28.11@mail.ru

**Abstract:** *The article covers the pages of the history of the ancient city of Samarkand. The author in his study highlights the issues of formation, development and prosperity of the city of Samarkand.*

**Keywords:** *Marakanda, Sogd, Seleucids, Ephthalites, Greco-Bactrian kingdom.*

## К СТРАНИЦАМ ИСТОРИИ ДРЕВНЕГО МАРАКАНДА

Тишабаева Лола Арифовна

Ферганский политехнический институт

Старший преподаватель кафедры «История Узбекистана»

Тел.998973352050, e-mail lolaxon28.11@mail.ru